

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ
ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2021 йил 11 ноябрь куни Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, суд биносида, очик суд мажлисида,
раислик қилувчи судья Д.Ражабов,
ҳайъат судьялари: М.Юсупов ва Ғ.Амоновдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси М.Турсунованинг котиблигида, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори Х.Назаров, судланувчи С.Аъзамходжаев ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи адвокат А.Алимкуловнинг иштирокида, С.Аъзамходжаевга оид жиноят ишини, судланган С.Аъзамходжаев томонидан келтирилган шикоятга асосан апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2021 йил 15 октябрь кунги ҳукмига кўра,
Аъзамходжаев Санжар Хусанович (A'zamxodjayev Sanjar Xusanovich), 1997 йил 5 ноябрь куни Самарқанд вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, ишламайди, муқаддам:

- 1) жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2017 йил 13 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 62-моддаси тартибида 1 йил 10 ой 3 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;
- 2) жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2018 йил 9 мартдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг 2018 йил 11 октябрдаги ажримига кўра, ўталмаган 1 йил 3 ой 27 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган;
- 3) жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2019 йил 10 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 60,62-моддаларига асосан 2 йил 21 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2019 йил 4 октябрдаги ажримига кўра, ўталмаган 2 йил 21 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 7 январдаги ажримига кўра, жиноят



ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2019 йил 4 октябрдаги ажрими бекор қилиниб, ўташ учун 1 йил 9 ой 14 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилган;

- 4) жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг 2020 йил 2 октябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 60,62-моддалари тартибида 2 йил 5 ой 9 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;
- 5) жиноят ишлари бўйича Шароф Рашидов туман судининг 2021 йил 16 март кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖК 60,62-моддалари тартибида ойлик иш ҳақининг 25 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 7 ой 3 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;
- 6) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2021 йил 6 сентябрдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖК 59-моддасининг 8-қисми, 61-моддалари тартибида узил-кесил 3 йил 2 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар, Мир-Саид-Барака маҳалла фуқаролар йиғини, Бенкова кўчаси 5-уйда яшаган, иш бўйича қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилган, 2021 йил 12 май кунидан қамоқда сақланаётган

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖК 59-моддасининг 8-қисми тартибида узил-кесил 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суд ҳукмига кўра, Аъзамходжаев Санжар Хусанович хавфли рецидивист бўлгани ҳолда умумий қасд билан қамраб олинган алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли орқали ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, дастлаб 2020 йил 8 декабрь куни Юнусобод тумани, Юнусобод маҳалласи А.Темур кўчасида жойлашган авто эҳтиёт қисмлари сотиладиган дўкони эгаси Исоқов Авазхўжа Азлархўжа ўғлининг олдига келиб, унга ўзини Тошкент шаҳар ИИБ Йўл патруль хизматида ишлашини айтиб, ишончига кириб, ундан нархи 23 АҚШ долларига тенг бўлган ёниб ўчувчи маёқ (мигалька) автомашина эҳтиёт қисмини пулини эртаси куни беришни ваъда қилиб олиб, 2020 йил 9 декабрь куни соат тахминан 13:20 да ўзини ҳаракатларини давом эттириб, яна Исоқов Авазхўжанинг дўконига келиб, А.Исоқовнинг ишончига кириб, пулини эртаси куни беришни ваъда қилиб, жами 400 АҚШ доллари (4.177.200 сўм)га тенг бўлган автомашина пульти, аккумулятор, ёритиш чироқлари ва парда каби автомашина эҳтиёт қисмларини қўлга киритиб, берган ваъдасини бажармасдан, жами: олган 423 АҚШ долларига тенг бўлган автомашина эҳтиёт қисмларини шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлиги аниқланган.

Судланган С.Аъзамходжаев апелляция шикоятда, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, ота-онасидан эрта етим қолганлигини, қарамоғида қария бобоси ва бувиси борлигини, унга тайинланган жазо



муддатини жуда кўплигини билдириб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Апелляция инстанцияси, судья Ғ.Амоновнинг маърузасини, прокурор Х.Назаровнинг биринчи босқич судининг ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, судланувчи С.Аъзамходжаев ва унинг химоячиси А.Алимкуловнинг апелляция шикоятини қувватлаб берган фикрларини тинглаб, апелляция шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари асосида текшириб, қуйидагиларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Апелляция инстанцияси суди, судланган С.Аъзамходжаевнинг жиноят содир этишдаги айби: унинг ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчи А.Исоқов, гувоҳ А.Исоқовнинг биринчи босқич судида берган кўрсатувлари; жабрланувчининг аризаси; шахсни фото суратидан таниб олиш учун кўрсатиш баённомалари; видео тасвири кўздан кечириш баённомаси; нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва ишга қўшиш қарори ҳамда жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар мажмуи билан тўлиқ ўз исботини топган деб ҳисоблайди.

Биринчи босқич суди томонидан, Аъзамходжаев Санжар Хусановичнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди яъни “фирибгарлик, яъни хавфли рецидивист томонидан алдаш ёки ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни қўлга киритиш” билан тўғри квалификация қилинган.

Биринчи босқич суди, С.Аъзамходжаевга жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида белгиланган, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги тўғрисидаги қоидага, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қароридаги тушунтиришларга амал қилиб, унинг шахсини, жиноят оқибатида етказилган зарарнинг қопланмаганлигини, худди шу турдаги муқаддам содир қилган жинояти учун жазони ўташ даврида қасддан янги жиноят содир қилганлигини инобатга олиб, унга нисбатан айбли деб топилган модда санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини ЖК 59-моддасининг 8-қисми тартибида тайинлаб тўғри хулосага келган.

Юқоридагиларга кўра, апелляция инстанция суди биринчи босқич судининг ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, ҳукми ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹³, 497¹⁷, 497²⁵, 497²⁶-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л Д И:



Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2021 йил 15 октябрдаги Аъзамходжаев Санжар Хусановичга нисбатан ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи судья:	/имзо/	Д.Ражабов
Ҳайъат аъзолари:	/имзо/	М.Ахмедов
	/имзо/	Ғ.Амонов

Нусхаси аслига тўғри:

Маърузачи: Амонов Ғафур Баҳодирович

